



## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИДА ЮЗАГА КЕЛИШ МУМКИН БЎЛГАН ДЕСТРУКТИВ МАНИПУЛЯЦИЯЛАР

*Атавуллаев Элёрбек Бахтиёр ўғли  
мустақил тадқиқотчи*

Мазкур мақолада кенг кўламли сиёсий жараёнлардан бири ҳисобланган сайлов ҳамда ушбу жараёнда турли манипулятив технология ва усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оиширилиши мумкин бўлган деструктив манипуляциялар ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада сайлов жараёнларида учрайдиган камчилик ва муаммолар ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** сайлов, сиёсий жараён, деструктив манипуляция, ижтимоий тармоқлар, сайловчилар, манипулятор, блокчейн, криптографик, технология.

В данной статье говорится о выборах, которые являются одним из масштабных политических процессов, и деструктивных манипуляциях, которые могут осуществляться в этом процессе с использованием различных манипулятивных технологий и методов. Также в статье рассматриваются недостатки и проблемы, возникшие в избирательном процессе.

**Ключевые слова:** выборы, политический процесс, деструктивная манипуляция, социальные сети, избиратели, манипулятор, блокчейн, криптография, технология.

This article talks about the election, which is one of the large-scale political processes, and the destructive manipulations that can be carried out in this process using various manipulative technologies and methods. The article also discusses the shortcomings and problems encountered in the election process.

**Keywords:** election, political process, destructive manipulation, social networks, voters, manipulator, blockchain, cryptographic, technology.

Сайлов кампанияси ҳар қандай давлат сиёсий ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бироқ, ахборот технологиялари ривожланиши билан манипуляторлар ўз мақсадлари йўлида сайлов кампаниясидан фойдаланиб, деструктив манипуляция усулларини қўллаган ҳолда одамларни деструктив манипуляция тъсирига туширишнинг янги усулларини қўллаб келишмоқда.



Б.Ламбет Америка ОАВларидан олинган ғоялар ва ажойиб фактик материалларга тўла китобида<sup>1</sup> сайлов жараёни ва унда қўланилиши мумкин бўлган сиёсий манипуляцияларнинг деструктив таъсирлардан ҳимоя қилишнинг самарали усувлари ҳақида фикр юритиб ўтган.

Унга кўра, ташқи қучлар томонидан сиёсий жараёнларга таъсир этиш мақсадида қўлланилётган деструктив манипуляциялар, танқидлар, даъволар, талаблар, эътиrozларни аввало чуқур таҳлил этиш ва шундан кейин унга муносабат билдириш ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бошқа тарафдан, ҳимояланишнинг яна бир самарали усули сифатида мавжуд вазиятларга эътибор бермаслик принципи тавсия этилади.

Бугунги қунда интернетда номзодларнинг сохта саҳифалари, фейк янгиликлар, шахсий маълумотлар ва молиявий ресурсларни тўплашга қаратилган фирибгарлик схемаларининг сони ва хавф даражаси тобора ортиб бормоқда. Хусусан:

Деструктив манипуляциянинг асосий усувларидан бири **номзодлар ёки сиёсий партияларнинг сохта саҳифаларини яратиши**дир. Бунга кўра, манипуляторлар логотиплар, шиорлар ва ҳақиқий кампанияларнинг бошқа атрибуларидан қонунийлик қўринишини яратиш учун фойдаланадилар. Кейин улар сайловчилар эътиборини жалб қилиш ва уларнинг шахсий маълумотларини олиш учун ушбу саҳифаларга сохта хабарлар, ваъдалар ёки сўровларни жойлаштиришлари мумкин.

Яна бир севимли усул **ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали сохта хабарларни тарқатиши**дир. Тажрибали манипулятор<sup>2</sup> номзодлар ёки партиялар тўғрисида нотўғри маълумотлар мавжуд бўлган сохта мақола, хабар ёки видеолар яратади, бу эса жамоатчилик фикрини ўзгартириб, сиёсий жараён ҳисобланган сайлов натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кейинги усул - **Интернет орқали таҳминий овоз бериш ҳақида сохта рекламалар яратиши**. Бу эълонларда овоз бериш тартиби, сайлов ўтказиладиган жой ва вақтлар ҳамда талаб қилинадиган хужжатлар ҳақида нотўғри маълумотлар акс эттирилади. Деструктив мақсадни кўзлаган манипуляторлар бундан фуқароларнинг шахсий маълумотларини тўплаш ёки молиявий фирибгарлик қилиш учун фойдаланиши мумкин.

<sup>1</sup> Ламбет Э.Б. Приверженность журналистскому долгу. Об этическом подходе в журналистской профессии. – М.: Виоланта, 1998.

<sup>2</sup> (*lot. manipulare* - етакламоқ, қўл ёрдамида бошқармоқ). Манипуляция усувларидан фойдаланиб, бошқаларга таъсир қиласидиган ва ўз мақсадлари йўлида уларни ишлатидиган одам.



Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти доирасидаги сохта схемалар фақат интернет билан чекланиб қолмайды. Баъзи ҳолларда манипулятив технологияларни пухта ўзлаштирган тажрибали инсонлар сайловчиларни алдаш ёки чалғитиш мақсадида телефон кўнгироқлари ёки ҳатто шахсий учрашувлардан фойдаланишади. Улар сайловолди ташвиқотида ёрдам бериш баҳонасида ўзини номзодлар, партиялар вакили сифатида кўрсатиши, молиявий ёрдам ёки шахсий маълумотларни сўраши мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида кенг тарқалиб бораётган усуллардан яна бири – бу **сайловчиларнинг маълумотларини манипуляция қилиш бўлиб**, унга кўра, сайлов жараёнига салбий таъсир этиш мақсадида сайловчиларни рўйхатга олиш базасига олдиндан кириш ва уларга тегишли бўлган маълумотлар: исмлар, кўча манзиллари ёки почта индексларини сайлов участкаларида чалкашликларга олиб келадиган тарзда ўзгартириш ҳисобланади.

Сайловчиларни рўйхатга олиш маълумотлари билан боғлиқ муаммолар сайлов хуқуқига эга бўлганларнинг овоз бериш хуқуқидан фойдаланишига тўсқинлик қилишига олиб келади. Бу борада АҚШ сайлов тизимининг кучли томони шундаки, бу **сайловчилар рўйхатларининг марказлаштирилмаганлиги**; хакерлар битта юрисдикцияга ёки ҳатто бир нечта ҳудудга хужум қилишлари мумкин, аммо бу ҳамма учун овоз беришни бузиши мумкин бўлган ягона миллий сайловчилар маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Яна бир усул **нотўғри маълумот** бўлиб, унда сохта веб-доменлар ва нотўғри URL-манзиллар каби стандарт “фишинг”<sup>3</sup> усулларидан овоз бериш муддати, сайлов участкалари, натижалар ёки логистика жараёнида юзага келадиган кўплаб саволлар ҳақида маълумот излаётган сайловчиларни фаол равишда чалғитиш учун ишлатилади. Натижада номзод ёки сайлов жараёни ҳақида маълумот излаган инсон сиёсий манипуляция қурбонига айланиб қолиши мумкин.

Яна бир сиёсий жараёнларга деструктив таъсир этадиган манипуляция усулларидан бири – бу дезинформация ва сохта хабарларнинг тарқалиши.

<sup>3</sup> Интернет орқали амалга ошириладиган манипуляция усулларидан бири бўлиб, унинг мақсади фойдаланувчига тегишли бўлган маҳфий маълумотлар: логин ва пароллар, карта рақамлари, банк ҳисобларига киришдан иборат бўлади. Манипулятор-фирибгарлар банк, компания, давлат идоралари ёки бошқа ташкилотларга ҳақиқий хабарларга ўхшаш бўлган фишинг электрон почта хабарларини юборишади ва бу орқали ўз режаларини амалга оширишади.



Рақамли асрда ижтимоий медиа платформалари ва онлайн ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш учун кучли воситага айланди.

Салбий кайфиятдаги ва конструктив мақсадни кўзламаган шахслар ушбу платформалардан нотўғри маълумот тарқатиш, турли келишмовчиликларни келтириб чиқариш ва сайлов жараёнига нисбатан аҳолининг хайриҳоҳлигини пасайтириш учун фойдаланиши мумкин.

Технология тараққиётда давом этар экан, сайлов хавфсизлигига путур етказмоқчи бўлганларнинг тактикаси ва имкониятлари ҳам ўсиб бормоқда. Блокчейн технологиясининг юксалиши овоз бериш тизимларининг яхлитлиги ва шаффофлигини ошириш учун потенциал ечим сифатида эътироф этилган.

Марказлаштирилмаган тармоқлар ва криптографик алгоритмлардан фойдаланган ҳолда, блокчейн овозларни бузишдан ҳимояланган ва текширилиши мумкин бўлган имкониятни тақдим этади. Бироқ, бундай тизимларни кенг миқёсда татбиқ этиш сайловчиларнинг шахсий дахлсизлиги, фойдаланиш имконияти ва умумий тарзда қабул қилиш заруриятини ўз ичига олган ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради.

Хуроса қилиб айтиш мумкинки, ўзгарувчан таҳдидлар шароитида деструктив мақсадни кўзлаган манипуляторларни аниқлаш ҳамда сайлов хавфсизлигини таъминлаш қўп қиррали ёндашувни талаб қиласди. Бу нафақат овоз бериш жараёни ва тизимларини ҳимоя қилишни, балки сайловчиларни рўйхатга олиш маълумотлар базаларини, ташвиқот тармоқларини доимий равишда текшириб боришни ва дезинформация кампанияларига қарши курашни ҳам ўз ичига олади.

Ҳукумат идоралари, киберхавфсизлик бўйича эксперталар ва технология сотувчилари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш ва демократик жараёнларнинг яхлитлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эга ҳисобланади.